



“ 30 ” *Май* 20 *19* у № *28*

**Шахсий автотранспорт эгаларининг ташиш фаолиятини танланма
кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тартибни
тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарори ижросини таъминлаш, шахсий автотранспорт эгаларининг ташиш фаолиятини танланма статистик кузатувларини ташкил этиш ва ўтказиш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, ҳудудларда амалга оширилаётган ташиш фаолиятининг ҳажмлари тўғрисидаги статистик маълумотларнинг сифатини янада ошириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Шахсий автотранспорт эгаларининг ташиш фаолиятини танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тартиб иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2014 йил 9 июндаги 6-сонли “Шахсий автотранспорт эгаларининг ташиш фаолиятини танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор 2019 йилнинг 1 июнидан бошлаб кучга киритилсин.

Раис

Б.Бегалов

| | |
|--|--------------|
| Раиснинг биринчи ўринбосари | Б.Мирусманов |
| Раиснинг иқтисодий статистика бўйича ўринбосари | А.Икрамов |
| Раиснинг ижтимоий статистика бўйича ўринбосари | М.Зиядуллаев |
| Раиснинг ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича ўринбосари | З.Зияев |
| Статистика ишларини ташкил этиш ва методология бошқармаси бошлиғи | М.Хусанова |
| Хизматлар соҳаси статистикаси бошқармаси бошлиғи | Қ.Бердиқулов |
| Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси | Ф.Бердибаев |
| Юридик бўлими | Қ.Мусаев |

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2019 йил “30” майдаги
28-сон қарорига
ИЛОВА

Шахсий автотранспорт эгаларининг ташиш фаолиятини танлама
кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича
ТАРТИБ

Мазкур Тартиб автомобиль транспорти фаолияти ҳажми тўғрисидаги статистик маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлаш учун зарур бўлган репрезентатив маълумотлар олиш мақсадида, шахсий автотранспорт эгаларининг ташиш фаолиятини танлама кузатувини (кейинги ўринларда – кузатув) ташкил этиш ва ўтказиш механизмини белгилайди.

Мазкур Тартиб жисмоний шахсларнинг ташиш фаолияти ҳажмидаги ҳиссаси тўғрисида илмий асосланган хулосалар чиқариш учун имкон берадиган ишончли статистик маълумотларни шакллантириш мақсадида, давлат статистика органлари томонидан фойдаланишга мўлжалланган.

Кузатув Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспорти фаолияти тўғрисида имкон қадар тўлиқ маълумотларни шакллантириш учун тадбиқ этилган.

1. Умумий қондалар

1. Мазкур Тартибда қуйидаги асосий тушунча ва таърифлардан фойдаланилади:

йўловчи автомобили – ўзининг тузилиши ва жиҳозланиши жиҳатидан йўловчилар ва багажларни ташишга мўлжалланган, зарур қулайлик ва хавфсизлик билан таъминланган автомобиль;

юк автомобили – юкларни ташишга мўлжалланган, қаттиқ рамали механик йўл транспорт воситаси; юк автотранспорт воситалари фойдаланиш характери ва конструктив хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда умумий ва ихтисослаштирилган воситаларга бўлинади;

ташилган юклар (юк ташиш ҳажми) – юк автомобилларида, шу жумладан автотиркамаларда, ташилган юклар миқдори ҳар бир қатнов учун юкнинг тара ёки контейнерлар оғирлигини ҳисобга олган ҳолдаги ҳақиқий оғирлиги бўйича аниқланади (тоннада ўлчанади). Ташилган юк ҳажмини автомобилнинг техник тавсифномасида кўрсатилган юк кўтариш қобилияти бўйича аниқлаш, фақатгина ташилган юкнинг ҳақиқий оғирлиги тўғрисидаги маълумотлар бўлмаган ҳоллардагина амалга оширилиши мумкин;